O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

XALQ DEPUTATLARI
MIROBOD TUMAN KENGASHINING

QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

РЕШЕНИЕ

МИРАБАДСКОГО РАЙОННОГО
КЕНГАША НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

№ 42/5-II

2020 йил 28 февраль

Миробод туманида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда, ош бериш маросимларини вақтини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 2736–III/КҚ-592–III-сон Қўшма қарори ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2019 йил 27 сентябрдаги 489/59-5-сонли қарори ижроси юзасидан қабул қилинган халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг 2019 йил 4 октябрдаги 218/31-1 сонли қарорлари билан тасдиқланган "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида"ги Низомининг 2-боб 3-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида, халқ депутатлари Миробод туман Кенгаши,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Миробод туманида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда ош бериш маросимларини ўтказиш вақтини белгилаш бўйича махалла раислари, фаоллари, нуронийлар хамда жамоатчилик томонидан берилган фикр ва мулохазалари туман комиссияси томонидан ўрганиб чикилиб, умумлаштирилиб, билдирилган таклифлари инобатга олинсин.

2. Миробод тумани худудида тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказишда ош бериш маросимларини ўтказиш вакти йил фаслларидаги шароитлардан келиб чикиб, куннинг биринчи ярмида соат 6-00 дан 13-00 га кадар белгилансин.

3.Миробод тумани хокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожланиш ва маънавий-марифий ишлар бўйича ўринбосари (А.Мусаев), туман

NUSXA
ASLIGA TO'G'RI

ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими бошлиғи (Ф.Мадаминова)

Мазкур қарор талаблари бўйича Миробод туман ҳудуддидаги маҳаллаларда ош бериш маросимларининг аниқ вақти белгиланганлиги тўғрисида ўрнатилган тартибда тарғибот ишларини мунтазам равишда ўтказиб бориш йўлга қўйилсин.

4. Миробод тумани ҳокимлиги матбуот хизмати (Ш.Хазрат):

ушбу қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари расмий эълон қилиниши ва toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

5. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Миробод туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Халқ депутатлари
Миробод туман Кенгаши раиси **Ш. Пулатов**

NUSXA
ASLIGA TO‘G‘RI